

Ҳаммомдаги улфатчилик



20:10 / 30.04.2019 10664

Ассалому алайкум. Аёллар ва эркекларнинг ҳаммомда авратларини ёпишлари ҳақида сўрамоқчи эдим. Ёлғиз ўзлари бўлганларида ва жамоат бўлганларида қандай ҳолатда бўлишлари керак? Олдиндан жавобингиз учун раҳмат.

Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳга шукрки, бугунги кунда жамоат ҳаммомларига эҳтиёж деярли қолмаган. Умуман олганда, мусулмонларнинг жамоат ҳаммомларига бормасликлари тавсия этилади. Хусусан, аёллар билан, ҳаттоки ўз аёли билан ҳам жамоат ҳаммомига бориш ҳаромдир. Бугунги кунда баъзи ёшларнинг «парланиб келиш» баҳонасида ҳаммомларда қилаётган улфатчиликлари эса шайтоний амаллардандир.

Авратни тўсиш масаласи ҳамма жой учун бир хил: уйдаи, кўчадаи, ҳаммомдаи, бассейндаи, пляждаи – фарқи йўқ.

Фақат ёлғиз чўмилаётганда, биров кўриб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ бўлса, авратни тўсмаслиги мумкин. Лекин, ҳатто шу ҳолатда ҳам, одоб юзасидан, Аллоҳдан ва фаришталардан ҳаё қилиш маъносида жинсий аъзолар беркилгани афзал. *Валлоҳу аълам.*

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан